АБУ ЖАЪФАР МУҲАММАД ИБН ЖАРИР ТАБАРИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ АБУ ДЖАФАРА МУХАММАДА ИБН ДЖАРИРА ТАБАРИ

THE SCIENTIFIC LEGACY OF ABU JA'FAR MUHAMMAD IBN JARIR TABARI

AGZAMOVA MUHABBATXON MIRTOXIROVNA

International Islamic Academy of Uzbekistan,
teacher of ICESCO chair for Islamic Studies and the Study of Islamic Civilization
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
ag.muhabbat @mail.ru
m.agzamova@iiau.uz

DOI: 10.47980/IIAU/2022/1/4

Аннотация. *Абу Жаъфар Табарий ҳаёти Аббосийлар давлати заифлашиб, парчаланаётган, халифаликнинг турли ҳудудларида тўқнашувлар, келишмовчиликлар юз берган даврда ўтди. Мана шундай ҳолатга қарамай илм-маърифат ривожланиб, турли соҳаларда мўътабар асарлар ёзилди.*

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий исломшунослик хусусан, тафсир, фиқҳ, адаб, тарих каби соҳаларга оид муҳим асарларни яратди. Мақолада олимнинг ҳаёти ва илмий меросининг кенг қамровли таҳлили амалга оширилган. Табарий асарларининг манбашунослик таснифи келтирилиб, асарларининг ўзига хос жиҳатлари илмий ўрганилган. Олимнинг "Китоб таҳзиб ул-осор", "Жомеъ ул-баён фи тафсир ал-Қуръон", "Жомеъ ул-қироат мин-аш-шуҳур ва-ш-шозз", "Китоб ихтилоф ал-фуқаҳо", "Китоб ул-вақф", "Китоб ал-латиф ал-қавл фий аҳком шариал ислом", "ал-Хафиф фи аҳком шаръия ислом", "Адаб ал-қузот", "Адаб ал-маносик", "Басит ул-қавл фи аҳками шараиъул ислами", "Китоб шарҳ ас-сунна", "Китоб ат-табсир фи усул ад-дин", "Адаб ан-нуфус ал-жаййида вал ахлоқ ан-нафиса" каби асарлари амалга оширилган тавсифлари билан илмий истифадага киритилган.

Абу Жаъфар Табарий илмий меросида тарих ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ислом дунёсида машҳур бўлган ва кўпгина олимлар томонидан ўрганилган "Тарих ар-русул ва-л-мулук" – "Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи" номли асари катта илмий аҳамиятга эга. Мазкур асар олимнинг ислом илмлари билан бирга исломгача бўлган қадимги давр тарихи, адабиёти, халқ оғзаки ижодини мукаммал билганлигини кўрсатади. Табарий мазкур манбаларни асарда усталик билан истифода эта олган, маълумотларнинг илмий аҳамияти ҳозирги кунда ўз долзарблигини йўқотмаган. Алломанинг ушбу асарига кўплаб кейинги давр олимлари бирламчи манба сифатида мурожаат қилганлар.

Калит сўз: *Ислом тарихи, муаррих, ривоят, фақиҳ, манба, илм, муфассал, сийра, пайғамбар, муаллиф, тасниф, муҳаддис, аллома, ҳадис, аҳком, тафсир, қўлёзма.*

Аннотация. *Жизнь Абу Джафара ат-Табари прошла в период, когда государство Аббасидов ослабевало и распадалось, а в различных частях халифата происходили столкновения и разногласия. Несмотря на это, развивались наука и образование, были написаны авторитетные труды в различных областях.*

*Абу Джафар Мухаммад ибн Джарир ат-Табари создал важные работы в области исламоведения, особенно в области тафсира, фикха, адаба и истории. В статье проводится комплексный анализ жизни и научного наследия ученого. Дается источниковедческая классификация творчества Табари, исследуются особенности его произведений. Труды ученого «Китаб тахзиб аль-асар», «Джамиъ ул-*байан *фи тафсир ал-*Куръан», *«Джамиъ кираат мин-аш-шухур ва-ш-шазз», «Китаб ихтилаф ал-фукаха», «Китаб ул-*вакф», «Китаб шарх ас-сунна», «Китаб ат-табсир фи усул ад-дин», *«Адаб ан-нуфус ал-джайида ва-л ахлак ан-нафиса» включены в настоящее время в научный оборот.*

История также занимает особое место в научном наследии Абу Джафара Табари. Его труд «История ар-русул ва-ль-мулук» – «История пророков и царей», который известен в исламском мире и изучается многими учеными, имеет большое научное значение. Эта работа показывает, что ученый, наряду с исламскими науками, в совершенстве владел историей, литературой и фольклором доисламского периода. Табари умело использовал источники этого периода в своей работе, а научная значимость *его сведений не утратила своей актуальности и сегодня. К этому произведению Табари обращались многие более поздние ученые в качестве первоисточника.*

Ключевые слова: *история ислама, муаррих, повествование, факих, источник, знание, муфассал, сияр, пророк, автор, классификация, мухаддис, ученый, хадис, ахкам, тафсир, рукопись.*

Abstract. *The life of Abu Jafar al-Tabari passed during a period when the Abbasid state was weakening and disintegrating, and clashes and disagreements occurred in various parts of the caliphate. Even though, science and education developed, and authoritative works were written in numerous fields.*

Abu Ja'far Muhammad ibn Jarir al-Tabari created important works on Islamic studies, especially on tafsir, fiqh, adab, and history. The article provides a comprehensive analysis of the life and scientific heritage of the scientist. The source classification of Tabari's creativity is given, and the features of his works are studied. The works of the scientist "Kitab tahzib al-asar", "Jami'ul-bayan fi tafsir al-Qur'an", "Jami'qiraat min-ash-shukhur va-sh-shazz", "Kitab ikhtilaf al-fuqaha", "Kitab ul-waqf ", "Kitab sharh as-sunna", "Kitab at-tabsir fi usul ad-din", "Adab an-nufus al-jayida

wa-l akhlak an-nafisa" are currently included in scientific circulation.

History also occupies a special place in the scientific heritage of Abu Jafar Tabari. His work "The History of ar-Rusul wa-l-Muluk" ("The History of the Prophets and Kings") is known in the Islamic world and studied by many scientists. This work shows that the scientist, along with the Islamic sciences, was fluent in the history, literature, and folklore before the Islamic period. Tabari skillfully used the sources of this period in his work, and the scientific significance of his information has not lost its relevance today. Many later scholars used Tabari's work as a primary source.

Keywords: *Islamic history, muarrikh, narration, faqih, source, knowledge, mufassal, siyar, prophet, author, classification, muhaddith, scholar, hadith, ahkam, tafsir, manuscript.*

КИРИШ

Ислом оламда ўзига хос ўринга эга бўлган олимлардан бири Муҳаммад ибн Жарир Табарий ўз даврининг илмли алломаларидан сабоқ олди ва ҳеч қандай расмий вазифаларни ўз зиммасига олмаган ҳолда, бутун умрини илм-фанга бағишлади. Табарийнинг қирқ йил мобайнида ҳар куни қирқ саҳифадан асар ёзганлиги тўғрисида кўплаб манбаларда турли ривоятлар келтирилган бўлиб (Хатиб Бағдодий, 1991), унинг қолдирган бой илмий мероси ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

УСЛУБЛАР

Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақидаги маълумотлар Абул Фараж Муҳаммад ибн Абу Яқуб Ибн Исҳоқ Бағдодийнинг (ваф. 385/995 й.) "ал-Фихрист фи ахбори-л-уламои мусаннифин мин-ал-қудамаи ва-л-муҳадисинийн ва асмаи кутубиҳим" (Ибн Надим, 1978) асарида, Шамсиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакрнинг (ваф. 681/1282 й.) "Вафоёт-ал-аъён ва анбо абно-аз-замон" (Ибн Халликон, 1978) асарида, Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабийнинг (ваф. 748/1374 й.) "Сияр ал-аълом ан-нубало" (Заҳабий, 1990) асари, Ибн Ҳажар Асқалонийнинг (ваф. 852/1449 й.) "Лисан-ул-мизан" (Асқалоний, 1991) асари, Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 463/1071 й.) "Тарих-ул-Бағдодий" (Хатиб Бағдодий, 1991) асари, Шиҳобиддин Абу Абдуллоҳ Ёқут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавийнинг (ваф. 626/1229 й.) "Мажмау-л-удабо" (Ёқут Ҳамавий, 1938) асари, Тоджуддин Абу Наср Абдулваххоб ибн Тақиюддид ас-Субкийнинг (ваф.771/1369 й.) "ат-Табақот аш-шофиия ал-кубро" (Ибн Субкий, 1976) асари, Жалолиддин Абулфазл Абдураҳмон ибн Абу Бакр ас-Суютийнинг "Табақоту-л-ҳуффаз" (Жалолиддин Суютий, ат-Табақот ал-хуффоз, 1979) ва "ат-Табақот ал-муфассирин" (Жалолиддин Суютий, Ат-Табақот ал-муфассирин, 1976) асари, Имомуддин Абулфидо Исмоил ибн Умар ибн Касир Дамашқийнинг (ваф. 774/1372 й.) "ал-Бидоя ва-н-ниҳоя фи-т-тарих" (Ибн Касир, 1991) асари, Шамсиддин Муҳаммад ибн Али Довудийнинг (ваф. 945/1539 й.) "ат-Табақот ал-муфассирин" (Шамсиддин Довудий, 1983) асарида маълумотлар келтирилган.

ТАҲЛИЛ

Табарий ижоди ниҳоятда сермаҳсул ва кўп қирралидир. У асарларини тасниф қилар эканмиз, аллома ислом илмларининг барчаси доирасида кўплаб асарлар ёзган. Бу асарлар ҳозирги кунга қадар дастлабки манба сифатида кенг фойдаланиб келинмоқда. Табарий ғарбда тарих соҳасида шуҳрат қозонган бўлиб, шарқда эса, ислом илмларига оид кўплаб асарлари билан машҳур бўлган.

Табарийнинг тарих соҳасига тегишли асарлари қуйидагилар:

1."Тарих ар-русул ва-л-мулук" (Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи) – Табарийнинг бугунги кунгача келган асарлардан бири бўлиб, асар 302/914 йилга қадар инсоният тарихи ҳақида ёзилган (Хожи Халифа, 2008). Асарда Одам алайҳиссаломдан то аллома яшаган даврга бўлган тарихий жараёнларни ривоятлар асосида келтирилади. Муаллиф асарни 290/903 йилда ёзишни бошлаб, 303/915 йилда ёзиб тугатган. Асар дунё яратилишидан то 302 йил зулҳижжа ойининг 22 санасигача бўлган тарихий жараёнлар баёни келтирилган. Кейинги даврларда аллома меҳнати қадрланиб, "Абул муаррих", "Шайх ул-муаррих" унвонлари берилган.

Муаллифнинг "Тарих ар-русул ва-л-мулук" асарини "Жомеъ ул-баён фи тафсир ал-Қуръон" тафсирга оид асаридан кейин ёзган. Ислом дунёсида Табарий илмий меросини ўрни жуда баланд бўлиб, манбаларда тарих илми отаси сифатида ҳам қайд этилади. Муаллиф бу китобнинг мазмунини акс эттирувчи муқаддима билан бошлаган, сўнг саҳобалар ва бошқа уламоларнинг вақт тушунчаси ҳамда аҳамияти ҳақида сўз юритади (Ёқут Ҳамавий, 1938).

Асар "Тарих ул-умам вал-мулук" (Хатиб Бағдодий, 1991), "Тарих ар-русул вал-анбиё вал-хулафо" (Ёқут Ҳамавий, 1938) номи билан баъзида "Китоб ат-тарих" (Ибн Надим, 1978) номи билан қўлланилиб келади.

Ибн Халликон Табарийнинг ушбу асарини энг аниқ тарих китоби сифатида эътироф этади (Ибн Халликон, 1978). Шунинг асарни турли номлари мавжуд бўлиб, "Ахбарул расул вал-мулук", "Тарих ар-русул ва-л-мулук" номлари билан номланган. Ибн Касир ҳам асарда келтирилган ривоятлардан кенг фойдаланиб, "Абу Жаъфарнинг тарих ривоятлари энг ишончли ривоятлар" деб эътироф этади (Хайриддин Зириклий, 1998). Бу асарнинг қадимий нусхаси Қоҳира халифаси Азиз (ваф. 386/966)нинг шахсий кутубхонасида сақланган.

2. "Зайлул музаййил" – бу биографик маълумотлар жамлаган китоб бўлиб, кўп эътироф этилган саҳобалар ҳамда тобеин ва табаа тобеинлар ҳақида маълумотлар келтирилган (Ёқут Ҳамавий, 1938). Асарда уларнинг ҳаёт йўллари ва қарашлари мухтасар тарзда баён этилган. "Зайлул музаййил" асари "Тарих ар-русул ва-л-мулук" асарига муаллиф томонидан ёзилган шарҳи сифатида берилган. Карл Броккельман Табарий ушбу асарни 303 ҳижрий йил 27 робиъул аввал ойида милодий 915 йил 10 ноябрда ёзиб тугатган деган маълумотни беради (Мустафо, 1983).

Ҳозирда Муҳаммад Абулфазл Иброҳим тарафидан Табарий тарихини XI жилдига "Зайлул музаййил" асари келган маълумотлар киритилган. Бу асарда мухаддис ва тарихчилар учун қимматли маълумотлар баён этилган бўлиб (Ёқут Ҳамавий, 1938), XI жилдидаги 491-687 саҳифаларни ўз ичига олади. Шунингдек, бу асарнинг саҳоба ва тобеинларга оид қисми "ал-Мунтахаб мин китоб зайлу музаййил" номи билан Қоҳирадаги Ҳусайния нашриётида 1908 йилда нашр қилинган.

Табарийнинг ҳадис соҳасига тегишли асарлари қуйидагилар:

1."Таҳзиб ал-осар ва тафсил ал-маъоний ас-сабит ан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) мин ал-ахбор" (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган тўғри хабарларни маъноларининг батафсил баёни) – бу ҳадис ҳақидаги муаллиф якунлай олмаган асар (Ёқут Ҳамавий, 1938), ҳадис ровийлари, ровийлар занжири тартиби ҳақида маълумотлар келтирилган. Асар Ҳазрат Абу Бакр р.а.дан бошланиб, ислом динига кириши ва устунлик жиҳатига қараб кейин бошқа саҳобалар ҳақидаги маълумотларни давом эттиради. Ушбу асарнинг санадлари саҳиҳ бўлиб, ривоятлар асосидаги муснад услубидаги асар ҳисобаланади.

"Китоб таҳзиб ул-осор" асарида "ашъараи мубашшара" ва Абудуллоҳ ибн Аббос, Пайғамбар с.а.в.нинг оила аъзоларидан ривоят қилинган ҳадислар тўпланган. Бу асарнинг ҳозирга қадар сақланган қисмларида "Муснади Умар ибн Ҳаттоб", "Муснади Абдуллоҳ ибн Аббос" ва "Муснади Али ибн Абу Толиб"дан ривоят қилинган ҳадислар келтирилган. Муаллиф асарда келтирилган ҳар бир ҳадисни мант ва санадига тегишли ҳар бир жиҳатини батафсил баёнини келтириб ўтади.

Асари ажойиб китобларидан бири бўлиб, олимларнинг ихтилофлари, уларнинг далиллари, динсизларга қарши чиққанлари, уларга билдирилган раддиялари ва хатолари баён қилинган. Пайғамбаримиздан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадислар келтирилган (Шамсиддин Довудий, 1983).

Табарий ҳар бир ҳадисни иснод йўли, ҳадисларнинг иллати, ҳадислардан олинадиган фиқҳий хукмлари, ихтилофли ҳадислар ва ҳадисдан далиллар олиш ҳақида маълумотлар келтириб, аллома асарни якунига етмасдан вафот этган (Ибн Субкий, 1976). Ибн Субкий "Табақот аш-шофиий" асарида "Бу асар Табарийнинг энг ажиб китобларидан биридир" деб таъриф берган (Ибн Субкий, 1976).

Бу китобнинг парчалари баъзи давлатларда, хусусан Туркияда, бир қисми Испанияда, бир бўлаги Оксфордда (Англия) сақланмоқда. Муаллиф бу китобни тугатолмай вафот этган. Имом Заҳабий бу китоб тўғрисида: "Агар тугатилганда, тахминан юз жилдни ташкил этарди" – деб ёзган (Заҳабий, 1990). Имом ибн Касир эса: "Энг яхши китоблардан бири бўлиб, агар тугатилганда шу китобнинг ўзи кифоя қиларди" (Ибн Касир, 1991),– деган.

Табарийнинг Қуръоншунослик ва Қуръон илмлари соҳасига тегишли асарлари қуйидагилар:

1."Жомеъ ул-баён фи тафсир ал-Қуръон" (Қуръон оятлари мажмуавий изоҳларининг баёни) – Қуръони каримнинг энг машҳур тафсирларидан бўлиб, Қуръони карим бўйича тафсир ёзишни ўзига мақсад қилган муфассирлар аввало, Табарий тафсирини ўрганиши кўп эътироф этилган. Тафсиршуносдикда ўзига хос ўринга эга бўлиб, манбаларда "Тафсир Ибн Жарир" ва "Тафсир Табарий" номлари билан келади. Тафсир қилмоқчи бўлган оятни "ал-қавлу фи таъвили қавлиҳи таоло" деб бошлаб, оятни тафсир қилади. Табарий Қуръони карим оятини бошқа бир оят билан, Пайғамбар с.а.в.дан келган хабарлар, сўнгра саҳоба ва тобеъинларнинг қарашлари асосида тафсир қилган. Жубайр, Мужоҳид, Икрима, Қатода, Ҳасан Басрий, Ибн Журайж, Али ибн Абу Талҳа ва бошқа кўплаб тобеъинларни ривоят ва тафсирларини келтиради. Шунингдек, Касоий, Аҳфаш, Абул Фарро каби Басра ва Куфа аҳлининг луғат ва наҳв олимларининг қарашлари, Ваҳб ибн Мунаббаҳ, Ибн Исҳоқ каби муаррихларининг ривоятларидан фойдаланган.

Аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг энг катта ва эътиборли тафсирларидан бири ҳисобланади.

Табарийнинг тафсир китоби тафсир, тафсир тарихи ва тарихий материаллар баёни ва Қуръон илмлари бўйича Шарқ ва Ғарб олимлари учун муҳим манба ҳисобаланади. Аллома ўзининг "Тарих ар-русул ва-л-мулук" асарининг муқаддамасида "Жамеъ ул-баён ан таъвили анил Қуръан" асарини эътироф этиб ўтади (Табарий, 1987).

2. *"Жомеъ фил-қироат минаш машхур ваш шозз"* – бу асар Фуад Сезгин "Ал-жомиъ фил қироат минал машҳур ва-ш-шаз" номи билан, Броккелман томонидан "Жомеъул қироат мин-аш-шуҳур ва-ш-шозз" номи билан келтирилган (Карл Броккельман, 1993). Шунингдек, бу асар "Китобул қироат" (Ибн Надим, 1978), "Китобул фасл баёнул қироат" (Ёқут Ҳамавий, 1938), "Ал-қироат ват-танзил ва-л-адад" (Заҳабий, 1990) номи билан ҳам машҳур. Баъзи манбаларда "Ат-танзил ва-л-адад" номи билан мустақил асари мавжуд деб келтирилса, баъзи манбаларда "Ат-танзил ва-л-адад" асар аслида қироат китобининг бир қисми эканлиги келтирилган. Қироатнинг ўз ичига олган ушбу китобда Табарий йигирма имомнинг қироатларини жамлаган (Шибл, 2004). Ёқут Ҳамавий асарда муаллиф барча шозз ва машҳур қироатлар ва уларданинг имомлари, шозз қироатига оид иллатларни келтириб ўтилганлиги ҳақилаги маълумотларни келтиради (Игнац Гольдциер, 1955).

Асарда Қуръон илмлари бўйича олимлар Макка, Мадина, Басра, Куфа ва бошқа шаҳарлардаги қироатлар (Ёқут Ҳамавий, 1938) ҳақида ва қироат турлари, қироат бўйича турли тортишувлар ҳақида маълумот беради (Суютий, 1987).

Табарийнинг фиқҳ соҳасига тегишли асарлари қуйидагилар:

1."Китоб ихтилоф ул-фуқаҳо" (Фақиҳларда фиқҳ масалаларининг хилма-хиллиги) – бу асар тўлиқ якунига етмаган асар, сақланган қисмлари нашр қилинган. Бу асар баъзи манбаларда "Ихтилофул уламои-ал-амсор фи аҳкоми шарои ал-ислам" (Ёқут Ҳамавий, 1938) номи билан келтирилган. Абу Ҳанифа, Молик ибн Анас, Авзоъий, Ҳасан Басрий, Ибн Абу Лайло, Шофиий каби фақиҳларнинг фиқҳий қарашларини келтириб (Ёқут Ҳамавий, 1938), Аҳмад ибн Ханбалнинг фиқҳий қарашлари ҳақида маълумот бермайди. Бу китобда жизъя қоидалари, ғайри динларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бўйича хукмлар, фақиҳлар томонидан билдирилган фикрлар баёни келтирилган. Асар ҳуқуқий мавзулар бўйича тематик тартибга солиган бўлиб, Табарий ҳуқуқий масалалар ва тамойилларни белгилашдан бошлаб, ўз даврининг етакчи фақиҳларини келтириб, таҳлилларини беради ва шу орқали ўз фикрини баён қилади.

Асар уч минг саҳифадан иборат бўлиб, унда фиқҳ масалалари кенг баён қилинган (Хайриддин Зириклий, 1998). Абу Ҳанифа, Имом Молик ва бошқа мужтаҳид олимларнинг фиқҳий қарашлари ҳақида маълумотлар келтирилган (Ёқут Ҳамавий, 1938).

Фиқҳ соҳасидаги ўз қарашларини "Латиф ул-қавл" номли асарида келтирганлиги сабабли, ушбу асарда фиқҳ олимларининг фикрларини келтирган.

Табарий "Ихтилофул фуқаҳо" асарини ёза бошлаган, лекин бу асарнинг охирига етказа олмаган. Унда фақиҳлар ўртасидаги зиддиятлар, фақиҳлар қарашлари баён қилинган. Китобида фақиҳларнинг сўзлари, усули фиқҳ, фуруъул фиқҳ ва бошқа масалалар ажратиб кўрсатилган.

2."Ихтиёр мин ақвол ал-фуқаҳо" (Фақиҳларнинг сўзларидан (раъйларидан) танлаб олинганлари) – бу китоб "Ихтилоф ал-фуқаҳо" нинг давоми сифатида келтирилган.

3. "Китоб ул-вақф" – Халифа Муқтафий биллаҳ Табарийдан ҳеч қандай баҳсга олиб бормайдиган "Вақф шартномаси"ни ёзишни сўрайди. Табарий халифа топшириғига асосан ушбу китобини ёзади (Ибн Субкий, 1976).

Табарийнинг илм даражаси юқори бўлган, Аббосий халифа Муқтафий вақф ҳақида китоб ёзиб беришини тўғрисидаги илтимоси бунга ёққол далил бўлади. Бу вазифани Табарийдан бошқа бирор кимса бажаришга журъати етмагач, халифа бу вазифани Табарийга топширади (Ибн Касир, 1991). Табарий китобни ёзиб тугатгач, халифага тақдим қилади. Халифа алломага берган мукафотини қабул қилмай, халифаликдаги масжидларга ва камбағалларга кўмак бериши сўради (Ибн Субкий, 1976).

4. "ал-Латиф ал-қавл фи аҳками шаръил ислам" – Табарий ушбу асарда ўз мазҳабининг қарашларини китобда ёзган (Ёқут Ҳамавий, 1938). Ушбу китоб энг ажойиб китобларидан бири бўлиб, асар 2500 саҳафани ташкил қилганлиги айтиб ўтилган. У ўз ижтиҳоди бўйича "ал-Латиф ал-қавл", "Китоби хафиф" номли китобларни ёзган (Шамсиддин Довудий, 1983). Бу китобларда ислом шариати аҳкомлари муфассал баён қилиб берилди. Аллома ўзининг "Таҳзиб" номли асарида "Умар ибн Хаттобнинг муснади" номи билан қўллаган. Бу асар манбаларда "Китоб ал-латиф", "Китоб ал-латиф ал-қавл фий ахком шариал ислом", "Рисола ал-Латиф", "ал-Баён ан усули ахком" каби номлар билан танилган (Карл Броккельман, 1993).

Табарий асарда фиқҳ, ижмо, буйруқ ва таъқиқлар, омм ва хосс, ижтиҳод, истиҳсонга оид ўз мазҳаби қарашларини баёни келтирилган. "ал-Ихтилоф ал-фуқаҳо" асарини ёзиб тугатгач, "ал-Латиф ал-қавл фи аҳками шаръил ислам" асарни ёзган (Ибн Надим, 1978).

Унинг “ал-Ихтилоф ал-фуқаҳо” ва “ал-Латиф ал-қавл” асарлари алломанинг фиқҳ соҳасидаги ўрнини аҳамиятини очиб беради. Бу асарларда Қуръон, ҳадис, ижмо, қиёс, маслаҳул мурсала ва урф каби ислом ҳуқуқи манбаларини асос сифатида санаб ўтади.

Табарий “Ихтилоф ал-фуҳақо” ва “ал-Латиф ал-қавл” китобини эътироф этиб, “Меннинг бу икки китобимсиз ҳеч ким фақиҳ бўла олмайди” деб эътироф этади.

Табарий умрининг эллик йилдан ортиқ вақтидани Бағдодда ўтказди. Аббосийлар вазири Аббос ибн Ҳасан илтимосига биноан “ал-Латиф ал-қавл” китобини ёзди (Заҳабий, 1990).

5.“ал-Хафиф фи аҳком шаръия ислом” – “ал-Латиф ал-қавл” асарининг мухтасари. Ушбу асар 400 саҳифадан иборат бўлиб (Ёқут Ҳамавий, 1938), ўз даврида муҳим аҳамият касб этиб, вазир илтимоси асосида ёзилган асардир (Заҳабий, 1990). Бу асар ҳозирги кунимизга қадар сақланиб қолмаган.

“ал-Хафиф фи аҳком шаръия ислом” асарини Муктафий вазирининг талабига кўра ёзган эди. Сўнг «Китобул-Басит» номли китобини ёзишга бошлади. Унинг мазҳабига эргашган фақиҳлар кўп бўлиб, улардан қўйидагиларни зикр этишимиз мумкин:

- Али ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ад-Дулобий. У Довуд Зоҳирийнинг мазҳабида бўлган Али ибн ал-Муғлисга раддия китоб ва «Китобу афъолин-набий» деган китоблар муаллифи эди.

- Абулҳасан Аҳмад ибн Яҳё Мунажжим Мутакаллим. У Табарий мазҳаби бўйича «ал-Мадхал ила мазҳаб ат-Табарий ва нусрати мазҳабиҳи», «ал-Китоб ал-ижмо» ва «ал-Китоб ар-радд алал-мухолифин» деган китобларни ёзган.

- Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абуссалж ал-Котиб.

- Абулҳасан ад-Дақиқий ал-Ҳалвоний.

- Абулфараж ал-Муофий ибн Закариё ан-Наҳравоний. У жуда кўп илмларда етук киши бўлиб, Табарий мазҳаби бўйича замонасининг тенги йўқ олими бўлган. Табарий мазҳабига кўра бир неча фиқҳ китобларини ёзган. Ҳижрий бешинчи асрнинг ярмигача Табарий мазҳабига амал қилиниб келган. Ундан кейин унинг мазҳаби заифлашиб йўқолиб кетган.

Тожиддин Субкий “Табақотул аш-шофиия ал-кубро” асарида Табарийнинг ушбу асари муфассал баён этилиб, кейинчалик аллома асарни мухтасар ҳолатда ҳам тайёрлаганлиги (Ибн Субкий, 1976) ҳақида маълумотларни келтиради.

6.“Адаб ал-қузот” (Қозиларнинг одоби) – минг саҳифадан иборат бўлиб, қозилик қонун қоидалари ва қозилар одобига бағишланган (Заҳабий, 1990) (Заҳабий, 1990).

7. “Адаб ал-маносик” (Ҳаж одоблари) – ҳаж қилиш тартиб-қоидалари ва одобларига бағишланган. Китобида хаж бошланиш кунлари ҳақида ва ҳаждан олдинги амаллар, дуолар хусусида маълумотлар берилган.

8. “Бастил-қовл фи аҳкам аш-шариъатил-ислом” (Ислом шариъати ҳукмларининг қисқача баёни) – имом Заҳабий ал-Фарғонийдан нақл қилиб айтадики, бу китоб ўн беш минг/йигирма минг саҳифа ўртасидадир (Ёқут Ҳамавий, 1938). Хатиб Бағдодий “Табарий уламоларнинг имомларидан бўлиб, у илм ва фазилатга эга бўлгани учун ижтиход билан хукм қиларди, унга хукм юзасидан мурожаат қилишар эди” деб таърифлайди.

Асар бир неча бобларга ажратилган бўлиб, бу бобларнинг барчаси бир китоб бўлган. Бу китоб “Китоб ат-таҳорат” номли бобдан бошланган бўлиб, 1500 бетни ташкил қилган. Бу китобда саҳоба ва тобеъинлар ва бошқаларнинг таҳорат қилиш усуллари, далиллари ва ўз мазҳаблари учун келтирган далиллардан ихтиёр қилганларини, ҳамда ҳамма боб сўнггида шофиий ва расуллуллоҳнинг далиллари ва ҳужжатларини кўрсатиб ўтганлар. Бундан ташқари, “Баситул қавл фи аҳками шараиъул ислами” китоби ичида “Намоз китоби”, “Китоби закот”, “Китоби адабул қуззот”, “Китобул баён аън усулил аҳкам”, “Адабул ҳуккам”, “Мухозаратул сижжилат”, “Китоб тартиб” номли китобларни жамлаган.

Табарийнинг ақида илмига оид асарлари қуйидагилар:

1.“Шарҳ ус-сунна” (суннатга шарҳ) – ушбу асар ақида мавзуларини ўз ичига олиб (Ёқут Ҳамавий, 1938), муаллиф ушбу китобда саҳобалар, тобеинлар томонидан қабул қилинган ақида асосларини ҳамда ўзининг мазҳаб нуқтаи назарини баён қилади. Қуръоннинг махлуқ (яратилган) дейиш масаласи, Аллоҳни кўриш мавзуси, банданинг амаллари мавзуси, саҳобаларга нисбатан эҳтиромда бўлиш масаласи, имоннинг кўпайиб ва камайиб туриши масаласи, Аллоҳнинг исм ва сифатлари каби масалалар баён этилган. Бу асар баъзи манбаларда “Китоб шарҳ ас-сунна” (Карл Броккельман, 1993) ва “ал-Жуз фи-л-эътиқод” (Сезгин, 1977) каби номлар билан номланган.

Асарда калом илми доирасида пайдо бўлган эътиқодий қарашларга ўз муносабатини билдириб, ўз қарашларида “нақл” билан биргаликда “ақл”га ҳам таянади.

2.“ат-Табсир фи маъолим ад-дин” (Дин белгиларининг шарҳи) – бу китоб ақида тўғрисида бўлиб, унда мўътазила мазҳаби нотўғри йўлда эканлиги исботлаб берилган. Табаристон халқлари

орасидаги баҳсли масалалар баёни келтирилган (Ёқут Ҳамавий, 1938). Бу асар “ат-Табсир” (Заҳабий, 1990), “Китоб ат-табсир фи усул ад-дин” (Ибн Субкий, 1976) ва “Басир фий муаллим ад-дин” (Шибл, 2004) номлари билан қўлланилиб келади.

3.“Китоб ал-мустаршид”– Бу асарни Ибн Надим Табарий асарлари қаторида санаб ўтади (Ибн Надим, 1978). Баъзи манбаларда “Табсир” номли асари “Табсир ал-Мустаҳдий” номи бир номда бўлиб, ақида илми ва ақидавий қарашлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган (Шибл, 2004).

Табарийнинг тасаввуф ва ахлоқ соҳасига тегишли асарлари қуйидагилар:

1. “Адаб ан-нуфус ал-жаййида вал ахлоқ ан-нафиса” (Гўзал ахлоқ ва яхши нафснинг одоблари) – тарбия ва аҳлоққа тегишли масалалар баёни келтирилган. Асар “Китоб ал-адаб ал-ҳамида вал-ахлоқ ан-нафиса” (Карл Броккельман, 1993) ва “Адаб ан-нафиса аш-шарифа ва-л ахлоқи ҳамида” (Ёқут Ҳамавий, 1938) номлари билан танилган. Асар тўрт жилдан иборат бўлиб, муаллиф китобни тугатолмай вафот этган. Бу асар тасаввуфга оид асар бўлиб (Ёқут Ҳамавий, 1938), муаллиф бу китобни васваса, қалб амалларига доир масалалар билан бошлаб, дуо, дуонинг фазилати ҳақида саҳоба ва тобеинларнинг ривоятларини келтиради. Шунингдек, асарда фазилат, тақво, ихлос, риё ва кибр каби тарбия ва ахлоққа тегишли масалаларга тўхталиб ўтган. Шунингдек, инсон жисмидаги барча аъзолар вазифаси ҳақида алоҳида тўхталиб, қалб, тил, қулоқ, кўз вазифалари ҳақида маълумотлар берган ва пайғамбаримиз шу ҳақда ривоят қилган ҳадисларини келтирган. Бу асарни 310 йилда ёзишни бошлаган ва ниҳоясига етказа олмай вафот этган (Сезгин, 1977).

ХУЛОСА

Табарий машҳур уламолардан бири бўлиб, замондошлари орасида у кишига тенг келадиган олим бўлмаган. Ўта маърифатли, ўткир зеҳнли, Қуръони каримни ёд олган, мазмунини чуқур тушунган, ҳукмларни яхши билган фақиҳ, ҳадис ва ҳадис даражаларини мукаммал билган, ровийларнинг ишончли ёки ишончсизлигини яхши ажратган, тобеъинлар ва уларнинг ҳукмларидаги фарқларни ажрата билган ўз даврининг буюк олими эди.

Ибн Жарир Табарий буюк муфассир, муаррих, фақиҳ бўлиб, кўплаб асарлар муаллифи ҳисобаланди. Унинг ёзган асарлари кейинги даврда исломшуносликнинг соҳасида кўп мурожаат қилинадиган манбалар қаторидан жой олган. Алломанинг асарларини ўрганиб тадқиқ қилиш кенг халқ оммасига етказиш ҳозирда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Кейинги давр манбалари билан қиёсий ўрганиш, қўлёзмаларининг манбашунослик тадқиқини амалга ошириб, асарни замонавий нашр этиш каби масалалар бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Табарий илмий меросини батафсил ўрганиш, тўғри илмий хулосалар чиқариш, олинган хулосалардан замонавий илмий таҳлилий тадқиқотларда юзага келадиган саволларга жавоб топишда фойдаланиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Асқалоний. (1991). Лисон ал-мизан. Байрут: Муассасат ар-рисола.
2. Ёқут Ҳамавий. (1938). Мажмау-л-удабо. Қоҳира: Матбаа ал-Маъмун.
3. Жалолиддин Суютий. (1976). Ат-Табақот ал-муфассирин. Қоҳира: Мактабат ал-Ваҳб.
4. Жалолиддин Суютий. (1979). ат-Табақот ал-хуффоз. Қоҳира: Мактабат ал-Ваҳб.
5. Заҳабий. (1990). Сияр аълам ан-нубало. Байрут: Дору-л-кутубу-л-илмия.
6. Ибн Касир. (1991). ал-Бидоя ва-н-ниҳоя фит тарих. Байрут: Мактабат ал-маърифат.
7. Ибн Надим. (1978). Ал-фихрист фи Ахбар ул-уламаил мусаннифин минал қудамаи вал муҳдисин ва асмаи кутубиҳим. Байрут: Дору-л-маърифат.
8. Ибн Субкий. (1976). ат-Табақот аш-шофиия ал-кубро. Қоҳира: Дор ал-иҳя ал-китаб ал-арабий.
9. Ибн Халликон. (1978). Вафоёт ал-аъён ва анбо абно аз-замон. Байрут: Дору-л-садир.
10. Игнац Гольдциер. (1955). Мазҳаб ат-тафсир ал-ислам. Қоҳира: Мактабат ал-Хансий.
11. Карл Броккелман. (1993). Тарих ал-адаб ал-араб. Қоҳира: ал-Ҳаёт ал-Мисрия.
12. Шокир Мустафо. (1983). Ат-Тарих ал-араб вал муаррихун. Байрут: Дар ал-илм лил-малайийн.
13. Фуад Сезгин. (1977). Тарих ат-тарас ал-араб. Қоҳира: Мактабат ал-илмия.
14. Жалолиддин Суютий. (1987). ал-Итқон фий улум ал-Қуръон. Байрут: Дар Ибн Касир.
15. Муҳаммад ибн Жарир Табарий. (1987). Тарих ал-умам вал мулук. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
16. Хатиб Бағдодий. (1991). Тарих Бағдод ав Мадинат ас-Салом. Байрут: Дору-л-кутуб ал-илмия.
17. Хожи Халифа. (2008). Кашф аз-зунун ан-асомил кутуб вал-фунун. Байрут: Дор ал-иҳё турос ал-арабий.
18. Хайриддин Зириклий. (1998). Ал-Аълам. Қомус таражимул ли ашҳурул рижол ван нисоу минал араб вал мустаърибийн ва мушташриқийн. Байрут: Дар ал-илм лил-малайийн.
19. Шамсиддин Довудий. (1983). ат-Табақот ал-муфассирин. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
20. Шибл. (2004). Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Риёд: Мактабат ар-рушд.

21. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna (2020) About copies, translations and editions of the work Tarikh ar-rusul val-muluk. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal 10 (4), p. 755. doi: 10.5958/2249-7137.2020.00136.6 Available at: https://saarj.com/wp-content/uploads/ACADEMICIA-APRIL-2020-FULL-JOURNAL.pdf
22. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna (2020) The scientific legacy of Abu Ja'far Muhammad ibn Jarir ibn Yazid Ibnkathir ibn Ghalib at-Tabari and the importance of Tarikh ar-rusul val-muluk. Journal of Critical Reviews, 7 (5), 923-925. doi:10.31838/jcr.07.05.189. Available at:http://www.jcreview.com/search.php#. https://drive.google.com/file/d/1pItX8uIbnsBlzRh-4BerRXdAsSPf2dh/view
23. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna (2020) About the persian translation of "Tarikh ar-rusul val muluk" Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal 10 (6), 416-419. Available at: https://saarj.com/wp-content/uploads/ACADEMICIA-JUNE-2020-FULL-JOURNAL.pdf Article DOI: http://dx.doi.org/10.5958/2249-7137.2020.00634.5
24. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna. Muhammad ibn Jarir at-Tabari is a great medieval historian. Scientific progess scientific journal. - Tashkent: Volume 2/ Issue 1. 2021. ISSN:2181-1601. № V сон. – Б. 1817-1822. Available at: https://cyberleninka.ru/article/n/mu-ammad-ibn-zharir-at-tabariy-rta-asr-buyuk-muarrihi/viewer.
25. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna. Fundamental historical events in the book "Tarikh ar-rusul wa-l-muluk" by Ibn al-Jarir Al-Tabari. International Journal of Philosophical studies and social sciences. Vol 2, Issue 2, 2022. ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039. Available at: http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss

REFERENCES

1. Asqaloniy. (1991). Lison al-mizan. Beirut: Muassasat ar-risola.
2. Yoqut Hamaviy. (1938). Majmau-l-udabo. Cairo: Matbaa al-Ma'mun.
3. Jaloliddin Suyutiy. (1976). At-Tabaqat al-mufassirin. Cairo: Maktabat al-Wahb.
4. Jaloliddin Suyutiy. (1979). at-Tabaqot al-huffoz. Cairo: Maktabat al-Wahb.
5. Zahabiy. (1990). Siyar a'lam an-nubalo. Beirut: Doru-l-kutubu-l-ilmiya.
6. Ibn Kasir. (1991). al-Bidoya wa-n-nihoya fit history. Beirut: School of Enlightenment.
7. Ibn Nadim. (1978). Al-fixrist fi Ahbar ul-ulamail musannifin minal qudamai val muhdisin and asmai kutubihim. Beirut: Doru-l-ma'rifat.
8. Ibn Subkiy. (1976). at-Tabaqot ash-shofiiya al-kubro. Cairo: Dor al-ihya al-kitab al-arabi.
9. Ibn Khalliqan. (1978). Vafayat al-ayan and anbo abno az-zaman. Beirut: Doru-l-sadir.
10. Ignats Goldtsier. (1955). Madhhab at-tafsir al-islam. Cairo: Maktabat al-Khansi.
11. Karl Brokkelman. (1993). History al-adab al-arab. Cairo: al-Hayat al-Misriya.
12. Shokir Mustafo. (1983). At-Tarix al-arab val muarrixun. Beirut: Dar al-ilm lil-malayiyn.
13. Sezgin. (1977). History at-taras al-arab. Cairo: School of Science.
14. Jaloliddin Suyutiy. (1987). al-Itqan fiy ulum al-Qur'an. Beirut: Dar Ibn Kasir.
15. Muhammad ibn Jariri Tabariy. (1987). Tarikh al-umam val muluk. Beirut: Dor al-kutub al-ilmiya.
16. Khatib Baghdadi. (1991). History of Baghdad by Madinat as-Salam. Beirut: Doru-l-kutub al-ilmiya.
17. Xoji Khalifa. (2008). Kashf az-zunun an-asomil kutub val-funun. Beirut: Dor al-ihyo turos al-arabiy.
18. Hayriddin Zirikliy. (1998). Al-A'lam. Qomus tarajimul li ashhurul rijol van nisou minal arab val mustaribiyn and mushtashriqiyn. Beirut: Dar al-ilm lil-malayiyn.
19. Shamsiddin Davudiy. (1983). at-Tabaqot al-mufassirin. Beirut: Dor al-kutub al-ilmiya.
20. Shibl. (2004). Abu Ja'far Muhammad ibn Jarir Tabari. Riyadh: Maktabat ar-rushd.
21. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna (2020) About copies, translations and editions of the work Tarikh ar-rusul val-muluk. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal 10 (4), p. 755. doi: 10.5958/2249-7137.2020.00136.6 Available at: https://saarj.com/wp-content/uploads/ACADEMICIA-APRIL-2020-FULL-JOURNAL.pdf
22. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna (2020) The scientific legacy of Abu Ja'far Muhammad ibn Jarir ibn Yazid Ibnkathir ibn Ghalib at-Tabari and the importance of Tarikh ar-rusul val-muluk. Journal of Critical Reviews, 7 (5), 923-925. doi:10.31838/jcr.07.05.189. Available at: http://www.jcreview.com/search.php#. https://drive.google.com/file/d/1pItX8uIbnsBlzRh-4BerRXdAsSPf2dh/view
23. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna (2020) About the persian translation of "Tarikh ar-rusul val muluk" Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal 10 (6), 416-419. Available at: https://saarj.com/wp-content/uploads/ACADEMICIA-JUNE-2020-FULL-JOURNAL.pdf Article DOI: http://dx.doi.org/10.5958/2249-7137.2020.00634.5
24. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna. Muhammad ibn Jarir at-Tabari is a great medieval historian. Scientific progess scientific journal. - Tashkent: Volume 2/ Issue 1. 2021. ISSN:2181-1601. № V сон. – Б. 1817-1822. Available at: https://cyberleninka.ru/article/n/mu-ammad-ibn-zharir-at-tabariy-rta-asr-buyuk-muarrihi/viewer.
25. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna. Fundamental historical events in the book "Tarikh ar-rusul wa-l-muluk" by Ibn al-Jarir Al-Tabari. International Journal of Philosophical studies and social sciences. Vol 2, Issue 2, 2022. ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039. Available at: http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss